

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Mustaqillik huquq demakdir

Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 27-iyun, №26 (859)

Бош прокуратурада

Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 21 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг ўринбосарлари, бошқарма, бўлим бошлиқлари, ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Абдумалик ҚҮЛДОШЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар юклатилди.

Мажлисида Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан 2012 йил ва жорий йилнинг 1-чорагида муайян ишлар амалга оширилганлигига қарамастан, фаолиятининг айрим йўналишларида, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолияти устидан назоратни олиб боришда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамда Наманган вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратураларида Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишининг зарур чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

тегишли тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Бош прокуратура ҳайъатининг 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлиб ўтган мажлисларида мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини кучайтириш, Бош прокурор буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижроси, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш борасида муайян натижаларга эришилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2012 йилда ва жорий йилнинг 4 ойида келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 67 120 таси ёки 37 фоизи бевосита прокуратура органларида ҳал қилиниб, уларнинг 10 202 таси қаноатлантирилганлиги ва шу асосда 12 990 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги эътироф этилди.

Бу борада муайян ишлар амалга оширилгани билан бирга, мавжуд жиддий хато ва камчиликлар кескин танқид қилиниб, бундай нуқсонларга йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг тушунтириш ва изоҳлари эшитилди.

Бош прокурор томонидан вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарлари, шунингдек, Бош

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги Қарори, Президент Девони томонидан Сирдарё вилоят прокуратураси фаолиятининг айрим йўналишларини ўрганиш натижалари, Бош прокуратуранинг 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлиб ўтган ҳайъат мажлиси қарорларининг ижроси, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартибига оид йўриқнома ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Наманган вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятларини комплекс текшириш яқунлари муҳофизат қилинди.

Мажлисида жорий йилнинг 1 апрелига қадар жами 68 809 нафар шахсга нисбатан амнистия акти татбиқ этилганлиги, уларнинг 42 649 нафари жиноий жавобгарлик ва жазодан, шу жумладан, 2 050 нафари озодликдан маҳрум қилиш ҳақосини ўташ жойларидан ва тергов хибсхоналаридан озод қилинганлиги таъкидланди. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўштирилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясини таъминлаш, ишга жойлаштириш борасида ҳам



Суратда: «Ўзбекистон» НММУ босмахонасида иш қизгин

Касб масъулияти

Биз шу пайгача матбуот, яъни газета ва журналларнинг пайдо бўлганига нари борса икки-икки ярим аср бўлган, деб келдик. Аслида инсоният яралган даврданоқ ахборотга эҳтиёж туғилган. Аждодларимиз қадим-қадимдан қоятошлар ва тоғдан думалатиб келинган тошларга расмлар чизиб, турли белгилар қўйиб, ўзлари ҳақида маълумот, ахборот қолдиришга интиланганлар. Швейцария адабиётининг классиги, сўз санъати устаси Фридрих Дюрренматтнинг фикрича, қоятошлардаги суратлар ва турли белгилар газета вазифасини бажарган. У ўзининг "Тош асри матбуоти тўғрисида маълумот" асарини бизнинг эътиборимизга ҳавола этган. Асарда "Лиасс кузатувчиси" газетаси муҳаррирининг эътирофи ва эътирозларини баён этади. Муҳаррир тош асри матбуоти ҳақида ўз фикрларини билдириб, ўзи муҳаррирлик қилган газетани бошқа матбуот нашрлари, хусусан, "Бўр даври" газетаси билан таққосларкан, Мезазой эрасининг ягона наشري бўлган "Лиасс кузатувчиси"нинг афзалликлари, унинг услуби ва бадий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтади.

Бугунги глобаллашув даврида эса шахс, жамият ва давлат ўртасида ахборотни тенг тақсимлаш гоаят мураккаб вазифага айланди. Бинобарин,

ахборотнинг моҳиятини англаш, уни кимга, қаерга, қандай етказиш устида мулоҳаза юрита билиш, ахборотнинг олимга ҳам, оддий ишчига ҳам тушунарли, холис бўлишини таъминлаш ва пировардида унинг давлат ва жамиятга берадиган нафи, самараси устида тадқиқот ўтказиш билиш лозим. Шу маънода тахриратларни илмий даргоҳлар қаторига киритиш мумкин.

Журналист ҳар бир мақола-сани тайёрлашда ўқир тадқиқотчи, давлат ва халқ манфаатларини кўзлаб иш юрилтадиган сиёсий индивид даражасида иш тутиши даркорлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Далил ва рақамларнинг тағ-заммирига етиб бориш, чуқур таҳлил асосида ҳар бир сўзни ўрнида қўллаш журналистнинг ва журналистиканинг жамиятдаги нуфузини белгилаб беради. Шундай экан, журналист етук билим, бой ҳаётий тажриба ва юқори касб малакасига эга бўлиши лозим. Яна бир гап. Бугунги шиддатли тараққиёт замонида журналист, энг аввало, маълум соҳага ихтисослашган бўлиши керак. Ихтисослашув — жамият ҳаётининг бирор-бир соҳасини чуқур ва атрофлича ўрганишда замонавий журналист қиёфасини белгилаб берадиган муҳим омил ҳисобланади.

Давоми 6-бетда/

Таноби тортилди

Порахўрлик жамият илдиизига болта урувчи илатлардан бири ҳисобланиб, мансабдор шахс томонидан хизмат вазифаларни гаразли мақсадаларда суниестемол қилиш билан бўғлиқ ҳола юз беради. Бу илат барча замонларда, ҳар бир жамиятда қоралаб келинган. Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам бу жиноят учун тегишли жавобгарлик қўзғатиладиган бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупция ва порахўрликка қарши кескин чоралар кўрилмақда.

Чунончи, Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан порахўрлик ва тамағирлик ҳолатларини аниқлаш, мансаб ваколатини суниестемол қилиб, бу турдаги жиноятга қўл урган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида олиб борилаётган чоратadbирлар натижасида бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 2012 йил 6 август кунги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Бюжетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўрта Чирчиқ туман бўлимининг 2 нафар мансабдор шахси жиноят ус-

тида қўлга олинди.

Баҳром Икромов жамғарма-нинг туман бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи 1-тоифа инспектори лавозимида ишлаб келган. Унинг лавозим йўриқномасида пенсия тайинлаш бўйича ҳужжатларни тўплаш, ҳисоб-китоб қилиш ва бу ҳужжатларни туман бўлими комиссиясига тақдим этиш каби вазифалар белгиланган бўлиб, ҳузурига келган фуқаро Абдуғофур Узоқовнинг "илтимос"ига йўқ, дея олди. Бу ишни бир ўзи амалга ошира олишига қўзи етмай, бошлиқ ўринбосарининг қўйнига қўл солиб кўрди. Бекзод Ҳотамовнинг ҳам "ҳотамтой"-

Бекзод Юлдашев,
Тошкент вилоят прокуратураси АМИБ
катта терговчиси

лиги тутиб, ёрдам қилишга ваъда берди. Улар ўзаро тил бириктириб, А.Узоқовнинг нафақа пулларини ошириб беришда ҳужжатларни расмийлаштириш ва унга ортикча тўлаб юборилган нафақа пулларини ёпиб бериш эвазига тамағирлик йўли билан 200 АҚШ доллари талаб қилишди. Фуқаро А.Узоқов 2012 йилнинг 6 август кунги сўралган пулни уларга етказди. Бошлиқ ўринбосари ва инспектор пулларни ўзаро тақсимлаб олишга ётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман суди томонидан Б.Икромов ва Б.Ҳотамовларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Туман прокуратураси томонидан халқ таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бўлими тизимлиги мактабгача таълим муассасаларида модал таъминот, таълим-тарбия, санитария-гигиенага оид қонун ҳужжатларининг ижроси таъмин қилинди. Таҳлилларда аниқлик киритилганидек, айни чоғда туман аҳолисининг салкам 39 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. 67 та умумтаълим мактабларида 31869 нафар ўқувчилар билим олган бўлиб, 45 та мактабгача таълим муассасаларида 4648 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда. Улар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиб бориламоқда. Ўтган йили 1641 нафар болаларда касалликлар аниқланиб, барчаси тўлиқ соғломлаштирилган. Одатдагидек, жўрй йилнинг июнь ойида тиббий кўрик ўтказишга киришилган.

Муаммолар ҳал этилмақда

Алишер КОМИЛОВ,
Қува туман прокурори

Мактабгача таълим-тарбия муассасаларида болаларга таърибали, олий ва ўрта махсус маълумотли педагоглар таълим-тарбия беришяпти. Боғча мудирларининг 37 нафари олий маълумотли, 8 нафари ўрта-махсус маълумотга эга. Бироқ, улардан 35 нафари малакасини оширган ҳолда, 10 нафари ушбу жараёндан четда қолган. Шунингдек, айни чоғда мактабгача таълим муассасаларида 70 нафар педагог ходимга эҳтиёж борлиги аниқланган. Лекин бундан айрим "устимон"лар усталик билан фойдаланмоқчи бўлишган. Мукаддам ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "б, в, г." бандлари, 209-модданинг 2-қисми "а" банди билан судланган, жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг ҳукми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган тумандаги 27-сонли мактабгача таълим муассасасининг собиқ мудираси Ф.Юлдашева туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг бошлиғи номига Езёвон туман судининг "Қува туман ИИБнинг махмуми Ф.Юлдашевага нисбатан моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси қамоатлангирисин" деб кўрсатилган сохта ажримини тақдим этган. Шу асосда у ўзини 27-сонли мактабгача таълим муассасасига вақтинча мудира этиб тайинлаш ҳақида буйруқ чиқартиришга эришиб, текшириш кунига қадар мазкур лавозимда ишлаб келган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Ечимини кутаётган муаммолардан яна бири — мактабгача таълим муассасаларидаги моддий шарт-шароитларнинг талабга жавоб бермаслигидир. Аксарияти мебеллар билан тўқис жиҳозланмагани етмаганидек, борлари ҳам эскирган, таъмирталаб аҳволда. Айрим муассасаларда эса ҳисоб-китоб ишларини юритишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, 12-сонли мактабгача таълим муассасасининг услубчиси З.Мақсудовага 225 минг сўм иш ҳақи ортикча тўланган. Ота-оналарнинг бадал пуллари 167 минг 139 сўмга кам ҳисобланган. 686 минг сўм бадал пуллари ундирилмай қолган. Боғчада санитария-гигиена қоидаларига ҳам тўлиқ амал қилинмаган.

11-сонли мактабгача таълим муассасасида ота-оналардан 2 млн. 378 минг сўм бадал пуллари ундирилмаган. Текшириш кунига муассасада санитария-гигиена қоидаларига тўқис риоя қилинмагани, муассасанинг ошонаси таъмирталаб бўлиб, тез айнийдиган маҳсулотларни сақлайдиган совутич билан таъминланмаганилиги, коммуникация тармоқларининг ишламаслиги, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига панжа орасидан қараб келингани аниқланган.

Тумандаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида ҳам аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ҳар ойда икки марта мулоқот

Бугун юртимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Республика Президентининг тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинган. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ушбу муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга мансабдор шахслар, бошқарув органлари, текширув-назорат идораларининг маъсулиятини оширишга қаратилган ҳужжатлар орқали тадбиркорларга кенг имкониятлар берилган.

Юртбошимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонлари ижроси устида нозоратни амалга ошириш борасида Бош прокуратура органлари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган. Шу боис вилоят прокурори ҳамда туман-шаҳар прокурорлари томонидан ҳар ойда икки марта тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирларда туман-шаҳар ҳокимлари, прокурорлари, вилоят Давлат солиқ бошқармаси,

Абдуваҳоб ТУРҒУНБОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Савдо-саноат палатаси, вилоят банклари раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этмоқдалар. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари аралашуви билан учрашувларда иштирок этган 18 нафар тадбиркорга 198 млн. сўм кредит маблағлари, 5 нафар фермерга деҳқончилик билан шуғулланишлари учун 110 гектар ер майдони, 9 нафар тадбиркорга қурилиш ишларини амалга ошириш учун 0,27 га. ер майдони ажратиб берилиши таъминланди. 165 та ҳолатда рухсатномалар расмийлаштирилиши, 221 та ҳолатда эса бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилган.

Ҳар бир учрашувда тадбиркорлар томонидан фаолиятлари давомида дуч келинаётган муаммолар ўртага ташланади ва ушбу масалалар шу жойнинг ўзида масъулларга бириктирилиб, уларни ҳал қилиш вазифаси юклатилади.

Сўнги пушаймон

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг турмуш тарзи юксалиб бормоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам тадбиркорликка қўл урган, ҳалоқ ишлаб, ҳам оиласи, ҳам юрти фаровонлиги учун астойим фаолият юритаётган ватандошларимиз борки, уларнинг ошиги олчи.

Раҳматилло ҲАМРОЕВ,
Бухоро туман прокурори ёрдамчиси

Бироқ, "Ҳар тўқисда бир айб" деган гап ҳам борки, бунга мисол қилиб, шергиронлик Аббос Ҳасанов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг фаолиятини келтириш мумкин. Тадбиркорликка бел боғлаган А.Ҳасанов 2010 йилнинг апрель ойида Бухоро туман Давлат солиқ инспекциясидан савдо фаолиятини юритиш учун рухсатнома олиб, иш бошлади. Импорт операцияларини амалга ошириш билан шуғулланувчи акка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгач, ишчи юришгани сайин, бойлик васвасасига тушиб қолди. "Савдодан тушган пуллари назорат-қасса машинасидан ўтказилиши шартми? Ахир бу пуллари ўзим иш-

лаб топаётган бўлсам. Ким билиб ўтирибди", дея иш кўришни маъқул топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2003 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси умумий оватланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорларига зид иш юритган тадбиркорнинг бундай ноқонуний "тадбири" охири-оқибат ўзига панд берди. Ўтказилган текширувда А.Ҳасанов

фаолияти давомида савдодан тушган 45 млн. 229 минг сўмлик нақд пуллари назорат-қасса машинасига киритмай, қасса чеки бермаганлиги ҳам аниқланди. Шунингдек, импорт қилинган маҳсулотлар сотувидан тушган 268 млн. 188 минг сўмлик нақд пул маблағлари ҳам назорат-қасса машинасига киритилмаган экан.

Бундан ташқари, А.Ҳасанов яқка тартибдаги тадбиркорга улгуржи савдо қилиш таққиланган бўлишини билгани ҳолда, икки фуқарога 137 минг 800 сўмлик товарни улгуржи сотганлиги текширилган чоғида ўз исботини топди.

Суд томонидан ЖКнинг 189-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган А.Ҳасановга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Қонундан четга чиқиб бўлмайди

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тadbиркорларга кенг йўл очилган бўлиб, бу борда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари амалиётда ўзининг ижобий самараларини намойиш этмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳусусиятидан келиб чиқиб, тadbиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида ишлаб чиқилган чора-тadbирлар ижросини таъминлашда муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Чунинчи, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик соҳасида иқтисодиётимизга зарар келтираётган яширин ишлаб чиқаришга барҳам бериш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текзор тadbирлар натижа-сида 40 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди ҳамда муқаддам яширин ишлаб чиқариш фаолиятини юритган 10 та ҳўжалик юритувчи субъект солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, 47 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Учтега тумани, Мағзуна 3-тор кўчасидаги хонадонлардан бирида ўтказилган текзор тadbир-да фуқаролар М.Абдуқодирова ҳамда Х.Зияев томонидан яширин цех ташкил қилингани аниқланган. Маълум бўлишича, "тadbиркор"лар 17 нафар фуқарони озғаси келишувга асосан ишчи сифатида ёллаб, полиетилен қоп-лаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланган-у, давлат рўйхатидан ўтишни "унутиб қўйиш-ган" экан. Цех жойлашган ер-тўла кўздан кечирилиб, ҳеч қандай ҳўжжати бўлмаган, қиймати 54 млн. 748 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ҳамда поли-

этилен қоп тиқшига мўлжалланган ускуналар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўрилиб, олиб борилган профилактик тарғибот ва амалий ёрдам натижасида "Ма-лика Зиё Сервис" МЧЖ ташкил этилиб, қўшимча 13 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг му-рожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ариза-шикоятларни қонуний муддатларда ҳал этиш, уларда кўрсати-лган важларни тўлиқ ва а-трофлича текширишга алоҳида эътибор қаратилди. Профилактика тadbирлари натижасида фуқаролар ва тadbиркорлардан келиб тушган муурожаатлар асо-сида 73 та жиноят ишлари кўзга тилиди. Хусусан, департа-ментнинг Сергели туман бўли-ми ходимлари томонидан ту-ман ҳудудида жойлашган "Файзли хонадон" ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фа-олияти ўрганилганда, ширкат-нинг собиқ раҳбари Н.Зайцева ва бош хисобчи И.Кушнирлар мансаб вазосатларини суи-истеъмол қилиш йўли билан ўзларига ишониб топширилган ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қил-ганликлари аниқланган. Улар томонидан 2011 йил давомида аҳолидан эксплуатация тўло-влари учун йиғиб олинган 9 млн. 99 минг сўм пул маблағи те-гишли тартибда банкка топши-рилмаган, 3 млн. 523 минг сўми эса ўзлаштирилган. Ширкат мансабдор шахсларининг ўз ва-зифаларига лоқайдлик билан

Жамишид Юлдашев,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бошлигининг биринчи
ўринбосари

муносабатда бўлганликлари оқибатида 44 млн. 26 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлик юзасида келган. Маз-кур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Банк ходимлари томонидан тadbиркорларнинг ҳисоб рақа-мидаги маблағларни талон-торож қилиш, нақд пул бериш, кредит ажратишдаги ноқону-ний ҳаракатлар ва тамағирлик ҳолатларини аниқлашга қарати-лган текзор қидирув ишлари давомида айрим қонунбузили-ши ҳолатлари маълум бўлди. Жумладан, "Sagaz Investments" МЧЖ раҳбари Ш.Азимовнинг аризасини ўрганиш жараёни-да ДАТ "Халқ банк"нинг Тош-кент шаҳар филиали кредит-лаш ва иқтисодий таҳлил бўли-ми бошлиғи М.Ишонжанов ва фуқаро А.Ҳайдаровлар ўзаро жиноий тил бириктириб, фи-рибарлик йўли билан ўзганинг қўп миқдордаги мулкни қўлга киритганликлари аниқланган. 2013 йилнинг 18 январь куни М.Ишонжанов фуқаро Ш.Ази-мовнинг ишонига кириб, унинг пластик қарточкасига дивиденд тарқасида тушган 33 млн. 95 минг сўм миқдордаги пулни нақдлаштириб бериш билан алдаб олади. А.Ҳайдаров эса пластик қарточкада мавжуд бўлган маблағни бемалол иш-латиб юбаради. Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Шайхонтоҳур туман бўлими то-монидан М.Ишонжанов ва А.Ҳайдаровларга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, айбдор-лар тегишли жазоларни олишди.

Мақтаб — муқаддас даргоҳ, ўқитувчилик — шарафли касб. Мақтаба таълим-тарбия оған ёшлар катта ҳаётга қадам қўйиб, илк муваффақиятларга эришгач, албатта, мақтаба таъ-лим-тарбия берган устоз-мураббийлари ва ўқитувчиларини эс-лайли, панд-насиҳатлари ва сабоқларини ёлга олади.

Қалбаки диплом фош бўлди

Бирок, ўқитувчи устоз, мураббий деган ном-га сазовор, шунга лойиқ бўлиши талаб этилмай-ди!

Агарда ўқитувчида унинг мутахассислигини тасдиқлов-чи ҳўжжати — дипломи қал-баки бўлса, уни ким деб аташ мумкин? У берган таълим-тар-бия ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Воқеамиз "қахрамо-ни" шундай "устоз"лардан бўлиб қикди.

Навоий вилоятининг Кони-мех туманида тутилган Фари-да Серикбаева (исм-фами-лияси ўзгартирилган) педаго-гика коллежини тамомлаш-чи бўлишни орзу қилди. "Орзу-га айб йўқ", албатта, бироқ "қахрамомимиз" дипломи олий ўқув юртига ўқишга ки-риб эмас, балки сотиб олиб, ўз мақсадига эришмоқчи бўлди.

У Навоий Давлат педагоги-ка институтининг "Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши" факультетини тамомлаш ўқда турсин, "эшиги қаер-далигини" билмасдан, ушбу факультетни тамомлаганиги тўғрисида қалбаки дипломи

Сухроб АХМЕДОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Зарафшон шаҳар бўлими
бошлиғи

сотиб олди ва нақд беш йил ўқитувчилик қилди. Тағин бош-ланғич синфларга "Одбнома" фанидан дарс берган.

"Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади" деган нақл Фарида Серикбаевага ўхшаган калта ўйлайдиганларга қарата ай-тилан бўлса керак.

Департаментнинг Зараф-шон шаҳар бўлими томони-дан олиб борилган тadbир да-вомида Фарида Серикбаева-нинг Зарафшон шаҳар халқ таълими муассасалари фа-олиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 4-сонли умумтаъ-лим мактабида, 2011 йил сен-тябрь ойидан бошлаб сохта диплом билан ўқитувчи сифа-ти ишлаб келганлиги аниқ-ланди.

Қалбаки ўқитувчининг қил-миши фош этилди. Суднинг ҳукмига асосан судланувчи Ф.Серикбаева тегишли жазо-сини олди.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз бошчилиги-да тadbиркорликни ривожлантириш, тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли фаровонлигини янада юксал-тириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оши-рилмоқда.

Иқтисодиётнинг муҳим таянчи

Жаҳонгир ИГАМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг бош суриштирувчиси

Бундан ташқари, қатор норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар ҳам қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш, шу билан бирга, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш, му-айян фаолият турлари бўйича лицензия ҳамда руҳсатномалар бериш жараёнидаги турли суиистеъмолчиликларга барҳам бе-риш орқали тadbиркорлик субъектларининг қонуний манфаат-лари ҳимоясини таъминлаш юзасидан зарур чора-тadbирлар кўрилинмоқда.

Албатта, бу борда Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-тураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти органлари то-монидан ҳам самарали тadbирлар олиб борилмоқда.

Бирок, тadbиркорлар учун ана шундай кенг имкониятлар яра-тилаётган бир пайтда уларни қўллаб-қувватлаш ўрнига ўз наф-сини ўйлаётган айрим назорат органлари масъул ходимлари борлигига нима дейсиз? Биргина мисол, Жавлон Ҳакимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ҳузури-даги Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимда иш-лаб келиб, тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган "Му-ниқ Мадина Файз" МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб бериш эвазига инспекция бош мутахассиси Салим Олимов орқали 500 минг сўмни тамағирлик йўли билан пора тарқасида ола-ётган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, суд то-монидан унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.

Айтиш жоизки, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги-ни ошириш, уларга қонун устуворлиги аҳамиятини тушунти-риш, шунингдек, фуқароларнинг қонунларга мажбурият юзаси-дан эмас, ихтиёрий амал қилишлари эришиш долзарб маса-лалардан ҳисобланади. Бу эса солиқ сибасати, тўлов интизом-ни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мусодара бўлган товарлар

Шундайлар борки, қилмишидан ёқа ушлай-сан, киши. Ундайлар ақидан нафсини устун қўяси. Аслида нафс инсонларни не қўйга соймайди, дейсиз! Дунё яралибдики, ҳалигача нафс измидаги инсон обрў топганини эшитмадик. Бу йўлнинг охири пушаймонлик, наоматдир. Афсуски, бунинг жула кеч ан-лайдилар, яъни боши деворга текканда ёки суднинг "қора курсисини"га ўтирганга...

Раҳматхон Иноятованинг маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламайди. Тўрт фар-занди ўлгайиб, эл қаторига қўшилиб қолган. Бу аёлни кўрганлар унинг жиноят со-дир этганига ишонгани келмайди. Чунки у очки қорадан ажратадиган ёшда, эллик учини қаршилаган. Бирок, мамлакатимизда тadbир-корлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилган-дан фойдаланиб, даромад топишни билди-ю, лекин қонуний тарзда фаолият юритиш ло-зимлигини "унутиб" қўйди.

2012 йилнинг баҳорида Р.Иноятова аввал-дан таниш бўлган Ойбек исмли йигитни бо-зорда учратиб қолди. Миллати киргиз бўлган бу йигит бир муддат Ўзбекистонда яшаган, унинг ҳовлиси Раҳматхоннинг укаси яшайдиган маҳаллада эди.

Хуллас, бу учрашуви аини мудоао билган сохта савдогар "хамкорлик"ни тақлиф қилди:

— Қирғизистондан товар олиб ўтсангиз-чи, улушингизни олардингиз.

Ойбек рози бўлди. Товарлар тури ва қий-мати, ўртадаги улуш ҳақида келишиб олинди. Орадан икки кун ўтиб, Раҳматхоннинг телефо-ни жиринглади.

— Топширингиз бажарилди, опа! — ҳазил қилган бўлди Ойбек. Аслида у 12 млн. сўмлик товарларни боххона постини четлаб, айлан-ма йўлар орқали Қирғизистондан Ўзбекистон-га олиб ўтган, бу ҳақда ҳамтововини оғохлан-ган миз мақсадига сим қоқайтган эди. — Юкни Богристондаги далага олиб келдим, бу ерда ҳеч ким йўқ. Уларни қанчон олиб кетасиз?

— Ҳозир бирор танишим билан борамиз. Ав-

Абдурашид НИШОНОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Чортоқ туман бўлими бошлиғи
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

вал машина топай, кейин сизга қўнғирок қила-ман!

Раҳматхон тезда таниши Бахтиёрни излаб топди. Чунки унинг "Форд" автомашинаси бор.

— Бир жойда юким бор, олиб келиш керак.

Кира ҳақи учун оз минг сўм бераман.

Бир неча соатда 100 минг сўм ишлаб олиш истаги Бахтиёрни шошириб қўйди. Ақл билан ўйлаб, бу ишнинг охири "вой" эканини ҳис этиш ўрнига, аёлга эргашди. Улар белгилан-ган жойга бориб, 16 рўлондаги "виллур" ма-толар, 29 кутиди "Мадонна" чинни идишлар тўплами, бир неча металл чойнак ва қострол-лар, термослардан иборат юкнинг ярмини Раҳ-матхоннинг укасининг уйига, бир қисмини Бах-тиёрнинг хонадонига туширишди.

Раҳматхоннинг кўнгли ёришди. Энди бу то-варларни сотиб, ачагина фойда кўрса бўла-ди-да! Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади. Ҳўққни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жиноят изидан бориб, ашёвий далилларни топ-ганларидагина у қилган ишнинг оқибатини ўйлаб қолди. Биргина унинг ўзи эмас, жиноий шериги Бахтиёр Абдураҳмонов ҳам суднинг "қора курсисини"га ўтиришга мажбур бўлди.

Суд судланувчи Р.Иноятовани ЖКнинг те-гишли моддалари билан айбдор, деб топди ва унга уч йил муддатга савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳ-рум қилиш ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 120 баравари миқдориди жарима жазоси қўлланлди.

Б.Абдураҳмонов ҳам мазкур кодекснинг қатор моддаларида назарда тутилган жиноят-ларни содир этганликда айбдор, деб топилди, уч йил муддатга савдо ва воситачилик фаоли-яти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этил-ди ва энг кам иш ҳақининг 170 баравари миқ-дориди жарима жазосига тортилди.

Иш самарадорлиги асоси

Ҳар бир инсон туғилган кунидан бошлаб бутун ҳаёти у яшаб келаётган, фуқаролигида бўлган жамиятнинг лиқат-этибор марказида бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, унинг тақдирида кечадиган ҳар бир воқеа-ҳолиса шу жамият урф-одатлари, амал қилаётган қонунлари билан тартибга солинади, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади. Масалан, ён-атрофимиздаги бирор-бир инсон биз учун номаълум бўлган сабабга кўра йўқолиб қолса ёки унинг қаердалигини билиш имконияти бўлмаган ҳолларда бунинг сабаб ҳамма шарт-шароитлари қонунда белгиланган тартибда батафсил ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар бир инсон тақдири давлат ва жамият учун муҳимлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси (ФПК)нинг 32-боби айнан мазкур масалага бағишланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифаси эканлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз прокуратура органлари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, суднинг қонунга хилоф қарорларига нисбатан қонунда белгиланган тартибда протест келтириш, суд тизимининг барча босқичларида прокурор иштирокини таъминлаш орқали ўтган давр ичиде муайян ишлар қилинди.

Жорий йилнинг 1-ярмига мўлжалланган бўлим иш режиса мувофиқ, Тошкент вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича туманлароқ судлари ва вилоят суди томонидан фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳамда вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар кўрилишида суд-прокурор амалиёти ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Ўрганиш давомида асосий эътибор бу борадаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси ФПК, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлари талабларига риоя этилганлиги ҳамда Республика Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги "Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 22-сонли буйруғи талаби асосида ташкил этилганлиги аҳолига қаратилди.

Ишлар таҳлилидан аниқлаштириш, вилоятнинг фуқаролик ишлари бўйича туманлароқ судлари томонидан фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳамда вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларнинг аксарияти қонунларга мувофиқ равишда тўғри ҳал қилинган. Бу ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштироки самарадорлиги ва таъсирчанлиги таъминланган. Бирок, айрим ҳолатларда бу каби ишлар бўйича судлар томонидан асосий суд ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳам маълум бўлди. Хусусан, фуқаро А.Тухбатуллина турмуш ўртоғи Ш.Тухбатуллинни бедарак йўқолган деб эълон қилиш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлароқ судининг 2012 йил 14 майдаги ажрими билан даъвогар А.Тухбатуллиннинг даъво аризаси томонлар суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаганликлари натижасида кўрилмасдан

қолдирилган. Бунда суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 97-моддаси 4-бандига кўра, тарафларнинг иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз келмаганлиги ва ишга доир мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмаслигини асос қилиб кўрсатган. Бирок, фуқаролик иш ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда, суд томонидан ФПКнинг 132-136-моддалари талаблари бузилиб, тарафлар суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги аниқланган.

ФПКнинг 132-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув қозғолари, зарур ҳолларда эса телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақирилдилар ва суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабар қилинади.


ФПКнинг 136-моддаси 1-қисмида қайд этилишича, чақирув қозғоғи фуқарога топширилганда у чақирув қозғонининг судга қайтариладиган иккинчи нусхасига қозғонини олган вақтини кўрсатиб имзо чекиши лозим.

Иш ҳужжатларида эса, фуқаро А.Тухбатуллинага чақирув қозғоғи топширилганлигини тасдиқловчи бирор-бир ҳужжат мавжуд эмас.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида А.Тухбатуллинага бўлган суд мажлисининг санаиси тўғрисида фақат бир марта хабар қилинганлиги ҳақида чақирув қозғонининг тилхати мавжуд бўлса-да, ушбу чақирув тегишли тартибда расмийлаштирилмаган.

Қолаверса, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар, албатта, прокурорнинг иштирокида кўрилиши шарт эканлиги ФПКнинг 288-моддасида қайд қилинган бўлишига қарамастан, суд томонидан суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида прокурорга хабар берилмасдан туриб, ишни кўрмасдан қолдириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Бу ҳолатларнинг барчаси қонунчиликка мувофиқ, процессуал ҳуқуқ номаълумлигини бузилиши деб баҳоланади. Яъни, ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2 ва 4-бандларига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этмиш ҳуқуқига эга бўлган, эмиш суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса ҳамда суд ишда қатнашишга жалб



қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса, суднинг шу ҳақдаги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Иш бўйича юқорида қайд қилинган қонун талаблари бузилганлиги босиб, вилоят прокуратураси томонидан суднинг мазкур иш бўйича чиқарилган ажримига нисбатан, уни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига жобориш ҳақида жорий йилнинг 11 апрель куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанциясига хусусий протест келтирилиб, иш юзасидан суднинг қонуний қарори қабул қилинишига эришилди.

Агар бу борадаги қонун талабларига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 287-моддасида айтилишича, судья ишни судда кўришга тайёрлашда бедарак йўқолган одам тўғрисида қиммат (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва шу кабилар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек, бедарак йўқолганнинг сўнги яшаш ва иш жойидаги тегишли органлар (ички ишлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи)дан ушбу шахс ҳақидаги мавжуд маълумотларни сўраб олиши лозим. Судья аризани қабул қилиб олган, айна вақтда васийлик ва ҳомийлик органига бедарак йўқолганнинг мол-мулкни сақлаш, шунингдек, бошқариш учун шахс тайинлашни таклиф қилиши мумкин. Лекин қонуннинг бу каби талабларига фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва вафот этган деб эълон қилиш юзасидан судлар томонидан кўрилган фуқаролик ишларининг барчасида ҳам риоя қилинмаганлиги маълум бўлди. Айрим фуқаролик ишларида суднинг бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорлари, бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкни турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига мулкни сақлаш ва бошқариш учун шахс тайинланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас. Фақатгина айрим фуқаролик ишларида ҳал қилув қарорлари туман ва шаҳар ФХДЭ бўлимларига маълумот учун юборилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари бор, ҳолос.

Судларнинг шу ва бошқа камчиликлари вилоят прокуратураси томонидан тегишли тартибда протестлар келтириш орқали бартараф этилиб, суд қарорларининг қонунга мувофиқлаштирилишига эришилди.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманла-

раро судининг 2012 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан аризачи С.Шарифуллиннинг аризаси қаноатлантирилиб, унинг турмуш ўртоғи Р.Шарифуллин бедарак йўқолган деб топилган.

Иш ҳужжатларига кўшиб кўйилган Чирчиқ шаҳар ИИБнинг 2012 йил 20 сентябр кунги 25/29-4789-сонли маълумотномасига кўра, фуқаро Р.Шарифуллинга нисбатан қидирув эълон қилинмаганлиги ва у бедарак йўқолган деб рўйхатга олинмаганлиги аниқланмаган.

Ишнинг атрофлича ва ҳолисона кўрилишини таъминлаш мақсадида Р.Шарифуллиннинг судланганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотлар Марказидан маълумот олинмасдан, унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишга рухсат сўраб доимий яшаб келган манзил бўйича Бекобод шаҳар ИИБга мурожаат этган ёки этмаганлигига аниқлик киритилмасдан туриб С.Шарифуллиннинг аризаси қаноатлантирилиб, барвақт хулосага келинган.

Шу асосларга кўра, вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг 15 апрель куни мазкур иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанциясига кассация тартибда протест келтири-

Хушнур МАКСУДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

либ, иш юзасидан тўғри қарор қабул қилиниши таъминланди.

Ўрганиш давомида вилоят прокуратураси томонидан судларнинг қонуний ҳужжатларига кассация тартибда жами 7 та протест келтирилди.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳамда вафот этган деб эълон қилиш билан боғлиқ бўлган фуқаролик ишларининг судда кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш фаолияти юзасидан Республика Бош прокуратураси ва вилоят прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, бу соҳадаги ишларнинг амалдаги қонунлар, Республика Олий суди Пленуми қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 22-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб ташкил этилишини таъминлаш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзига хос мазмун-моҳиятга эга. Кимдир билиб, кимдир эълан билмасдан қилган иш оқибатида бошига ташвиш тушганда қариндош-яқинлари, атрофидоғлар бефарқ бўлмасдан, уларга ёрдам қўлини қўзиб, кўмакдош бўлишлари лозим. Масъул органлар эса бу борада қонуний чора-тадбирларни кўришлари, ҳар бир кўрилайётган иш, ҳужжатнинг асослигини обдон кўриб чиқиб, қонуний тўхтама қелишлари зарур.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижраси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиши, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛКК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 223-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўнғирок назорат қилиш асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётган бутунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам жараёнлан четла қолгани йўқ. 2005 йил 28 январь куни Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишир", деб номланган маърузасида иқтисодиётнинг тўртта муҳим устувор вазифаларини санаб ўтган эди. Улардан, учинчи муҳим устувор вазифа — кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламни кенгайтиришдан иборат бўлиб, бу борадаги ислохотлар мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган. Навбатдаги устувор вазифа эса соҳани янада ривожлантириш ва самарали фаолият юритиши учун етарли иқтисодий, ҳўқуқий базани такомиллаштириш бўлган эди.

Хасан ХАЙИТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ ўқитувчиси

да — куз-қиш даври учун ҳамда 25 мартгача — вегетация даври учун;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 1 апрелгача — вегетация даври учун белгиланади.

Қишлоқ ҳўжалигини сувсиз, сув иншоотлари, яъни каналлар, зовур ва ариқларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалалар ҳозирги кунда энг долзарб бўлса-да, айрим вилоятларда ирригация ва мелiorация тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Фермер ҳўжалиқларининг экин майдонларини суғориши учун уларни сув билан таъминлашда сув истеъмолчилари уюшмаларининг роли муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шундай бўлса-да, уларнинг мунтазам равишда фаолият юритишлари учун бир қатор чоралар тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

— Уларни бино-иншоотлар билан таъминлаш;

— Уларга тақрибли ва маҳсул билимга эга бўлган мутахассис (мироб)ларни ишга қабул қилиш ҳамда малакасини ошириб бориш;

— моливий ва моддий-техник аҳволини яхшилаш; — жойлардаги мутасадди раҳбарлар ва жамоатчилик томонидан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи доимий тадбирларни амалга ошириш;

— жойларда фермер ҳўжаликлари билан сув истеъмолчилари уюшмалари ўртасида тузилаётган сувени етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларнинг номигагина тузиш ҳолатларини бартараф этиш;

— туман қишлоқ ҳўжалик бўлимлари сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудидоги ҳўжалик ички гидромелиорация тизимларини таъмирлаш ва ҳўжалик ички гидромелиорация тизимларини сувени ўлчаш қурилмалари билан жиҳозлаш ишларига кўмаклашиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, фермер ҳўжаликлари билан сув истеъмолчилари уюшмалари ўртасида сувени етказиб бериш юзасидан тузилаётган шартномаларнинг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий оқибатларига жиҳидий эътибор қаратиш лозим бўлади. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда, айниқса, пахта ва галланинг вегетатив даврида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан сувининг етарли даражада етказиб берилмаслиги фермер ҳўжаликлари томонидан олиниши лозим бўлган ҳосилнинг камайишига ёки белгиланган шартнома режасининг баҳарилмасдан қилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу борада сув истеъмолчилари уюшмаларидан сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувени адолатли тақсимлаш, эҳтиёжга қараб иш тузиш тамойилларини тўғри қўлаган ҳолда фаолият юритишлари талаб этилади.

гиланган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, фермер ҳўжалиқларининг сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, Республика Вазиrлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги "Сув ҳўжалигини бошқариш ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2003 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазиrлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2013 йил 19 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолчи тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори билан тартибга солинади.

Сув ресурсларининг маъмурий бошқарув тамойилидан хавзавий бошқарув тамойилига ўтказилиши сувени самарали бошқариш ва адолатли тақсимлаш имконини берди. Ҳозирда 10 та ирригация тизимларининг хавза бошқармалари, 63 та ирригация тизимлари ва магистрал каналлари бошқармалари фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ўртасида сув муносабатларини тартибга солувчи 1501 та сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этилган.


Вазиrлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолчи тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандида сув олиш лимитлари сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — фермер ва деҳқон ҳўжалиқларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган бошқа сув истеъмолчиларига белгиланиши кўрсатиб қўйилган. Мазкур Низомнинг 29-бандида эса қишлоқ ҳўжалиги мақсадлари учун сув олиш лимитлари кўрсатилган бўлиб, унга асосан:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазиrлиги томонидан — ҳар йили 15 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун (1 октябрдан 31 мартгача) ҳамда 15 мартгача — вегетация даври учун (1 апрелдан 30 сентябргача); ирригация тизимлари хавза бошқармалари томонидан — ҳар йили 20 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда 20 мартгача — вегетация даври учун; ирригация тизими бошқармалари томонидан — ҳар йили 25 сентябргача бўлган муддат-

Қишлоқ ҳўжалиги миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 18,2 фоизи, меҳнатда банд бўлганларнинг 30 фоизи агросаноат мажмуаси ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, аҳолининг 64 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Шу тўғрйли хусусий мулкчиликка асосланган деҳқон ва фермер ҳўжалиқларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи мунтазам ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянларида ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиrлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида фермер ҳўжалиқларининг истиқболли ҳақида тўхталиб ўтиб, шундай деган эди: "Кун сайин мустақамланиб, ҳал қилувчи кучга айлини бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, десам, ўйлайманки, барчамизнинг умумий фикримизни ифода этган бўламан. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгаллик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустақамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси — одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда".

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида фермерлик ҳаракатининг муваффақияти кўп ҳаётдан сув объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий таъминланганлик муаммосига бориб тақалади. Қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни таъминлаш воситаси сифатида сув қонунчилигининг самарадорлиги кўп жиҳатдан сув қонунчилигида сувдан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қай даражада тўлиқ тартибга солинганлигига ҳам боғлиқдир.

1998 йил 30 апрелдаги "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасида фермер ҳўжалиқларининг сув истеъмоли уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиландиган сув объектларидан сув олиш лимитлари асосида бел-



Мурожаатга бефарқ эмаслар

Мен тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳамда эрта-индин ўқув юртини тамомлаб, мустақил иш бошлаш арафасида турган тўрт нафар қизимни доимий иш билан таъминлаш ниятида 2011 йилда "Ширинликлар савдо дўкони" очишни мақсад қилдим. Бунинг учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, Қарши шаҳар ҳокимлигига қўлган аризам натижасида, 2011 йил 20 июнда ҳоким қарори билан Қарши шаҳрининг Пахтазор митти тумани ҳудудидан 72 кв.метр ҳажмида ер майдони ажратилган эди. Шундан кейин керакли ҳужжатларни жамлаб, Тошкентдаги "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУКнинг ҳамда Қашқадарё вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги Шаҳарсозлик кенгашининг ҳулосаларини олиб бўлган, қурилиш қилишим керак бўлган ер майдонини банд қилиб турган тўртта гаражни олдириш чоралари билан банд бўлдим.

Қурилиш ишларини бошлашим учун белгиланган муддатнинг туғашига ҳали олти ой вақт борлигига қарамай, менга ажратилган ер майдонини Қарши шаҳар ҳокимлигининг захира ер фондида қайтариш тўғрисида шахар ҳокими Ш.Турсунов ўзининг 2013 йил 21 январдаги 37/1-сонли гайриқонуний қарорини чиқарди. Ноилож, ҳуқуқларимнинг ҳимоя қилинишини сўраб, Қарши шаҳар прокуратурасига ҳамда "Huquq" газетасига ариза билан мурожаат қилдим. Қарши шаҳар прокуратурининг ёрдамчиси М.Бекмуродов мени қабул қилиб, ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳар ҳокимининг чиқарган қарори гайриқонуний, деб топилиб, бу ҳақда протест келтирилгани ҳамда ҳокимнинг 1-уринбосари лавозимидаги ишчи комиссия раиси бўлган С.Бобоев ўзига юклатилган (ноқонуний қурилган қурилмалар ва тадбиркорлар учун ажратилган ер майдонларини банд қилиб турган гаражларни қўчириш ҳамда бузиб ташлаш каби) вазифани бажармагани тўғрисида оғохлантирилганини айтди. У кишининг ариза билан мурожаат қўлган фуқароларга нисбатан бўлган муомаласи ва муносабатини кўриб, прокуратура органларида фуқаролар мурожаатларига бўлган эътиборнинг қунайрилганлигига яна бир бор амин бўлдим.

Собиқ совет тузуми даврида давлат қораловчиси мақоми билан фаолият олиб борган прокуратура органларининг бугунги кунда фуқаролар ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантилганлигини мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Президентимиз Ислам Каримов томонидан суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохотларнинг самараси, деб биламан.

"Huquq" газетаси орқали фуқаролар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун талабларига қатъий амал қилиб, виждонан меҳнат қилаётган прокуратура ходимларига, шунингдек, Қарши шаҳар прокуратураси ходимларига самий миннатдорлигини билдираман. Бу инсонларга сихат-лопатлик, оливайи бахт, жамиятимизда қонун устуворлиги йўлида олиб бораётган ишлариде улкан муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.

Хувайидилло РОЗИҚОВ,
Қарши шаҳри, М.Паутов кўчаси 7/1-уй

Иш ҳақи ундириб берилди

Иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги суд қарори ижросининг таъминланмаётганлиги тўғрисида "Huquq" газетаси таҳририятига мурожаат қилган фуқаро Ж.Пўлатовнинг аризаси юзасидан яқинда Қашқадарё вилоят прокуратурасининг жавоб хати олинди.

— Аниқланишича, — дейди таҳририятга берган жавоб хатида Қашқадарё вилоят прокуратурининг уринбосари Т.Муродов — фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманларо судининг 2010 йил 17 майдаги ижро варақасига асосан, қарздор Чироқчи тумани Кўкдала МТП ДАЖдан ундирувчи Ж.Пўлатовнинг фойдави зарари 2 млн. 536 минг 917 сўм иш ҳақи ва 20 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати 2010 йил 11 июнда суд ижрочиларининг Чироқчи тумани бўлимига келиб тушган ва шу куну суд ижросини томонидан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилиб, томонларга юборилган.

Ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни 27-моддасига асосан, ушбу ижро ҳужжатларини суд ижрочиларининг Чироқчи тумани бўлимига тақдим қилган. Суд ижросини томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздор Кўкдала МТП ДАЖ томонидан ундирувчи Ж.Пўлатовга 2 млн. 536 минг 917 сўм иш ҳақи тўлиқ ундириб берилган. Ҳозирги вақтда Ж.Пўлатовнинг қолган иш ҳақи ва маънавий зарарини ундириш юзасидан ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Касб масъулияти

Норбўта ФОЗИЕВ,
«Huquq»

Журналист бугуннинг қайноқ нафаси билан яшайди, у дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган янгиликларни тез илаб, оммага тақдим этади. Юрдошларимизнинг салоҳияти ва маънавиятини юксалтиришга, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Дунё шиддатли тарзда ўзгариб бормоқда. Техник тараққиёт тобора юксалмоқда. Жаҳон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласи даққиқа сайин янгилашиб турибди. Башарият экологик муаммолар гирдобидида нажот изламоқда. Бугунги кун журналисти ана шу каби муаммолар ҳақида танқидий ва таҳлилий чиқишлар қилиши, унинг ечимини топиш устида изланмоғи даркор. Юртобшимизнинг "Доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиса қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни изхор этмоқчиман", деганлари бежиз эмас.

Зеро, омма журналистининг хабари орқали она заминда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабар топади, эл-улуснинг ютуқларидан қувонади, гам-ташвишлирига шерик бўлади. Фақат файлсуф Суқротнинг "Сўз — бу сөхр, куч ва қудратдир" деган гапи айнан биз журналистларга қарата айтилган ҳикматдек жарағлайди, гўё. Фақат журналист хато қилмаслиги керак. Чунки тиббиёт ходими хато қилса, бир инсоннинг умрига заво бўлади, ўқитувчи саводсиз бўлса, боланинг камолига зарар етказиши мумкин. Лекин журналистининг биргина хатоси бутун жамят, минг-миглаб одамларга салбий таъсир қилади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ом-

мавий ахборот воситаларини ривожлантириш, таҳририятларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, эркин ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сон жиҳатдан кескин ошиши ижод эркинлиги, сўз айтиш масъулияти борасидаги умий мандарани анча ўзгартирди. Эндиликда барча наشرлар ўз йўлини, услубини мустақил равишда танлаш ихтиёрига эга. Шундай катта имкониятни қўлга киритган журналист, албатта, тараққиётимиз йўлига гов бўлаётган оғриқли нуқталарни, муаммоларни ҳолатларни қаламга олиши, бу борада фуқароларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиши лозим. Хар бир инсон ўз таваққури, дунё-қараши, ички маданиятидан келиб чиқиб атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради. Бу унинг шахсий фикри, шахсий позицияси. Лекин улардан фарқли ўлароқ журналистда ўз фикр ва қарашларини кенг оммага тақдим этиш имконияти бор. Унинг бу имкониятдан қандай фойдаланиши касбга бўлган масъулияти ва виждонига боғлиқ. Журналист ҳиссиётларга эмас, аниқ фактларга таяниши, ҳолис бўлиши лозим. Замоनावий журналист нафақат ўз юртида, балки бутун дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши керак. Чунки бугуннинг одамлари ўта зийрак, энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан қуролланган, унда ахборотни танлаб қабул қилиш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган эзгу ва ҳайратли ишлар биз журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бугунги кун жур-

налисти бунга жавобан маҳорат ва таҳрирасини мунтазам ошириб бориши, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши лозимлигини эсимизнинг ўзи талаб қилмоқда.

"Ҳақиқат ва ҳолислик журналистиканинг доимий ўзгариш қоидадасига айланиши шарт". Юртобшимизнинг ушбу фикрлари журналистлар зиммасидаги масъулиятнинг нечоғли муҳим эканлигини аълоқиб турибди. Бу ўз навбатида, уларни одамлар кўзичи, ташвиши, орзу-умидлари билан яшашга ундайди. Ана шу туйғуларни қалбдан ҳис эта олган журналистга ўзгалар қўлга эришганидан қўрқиниши ёқо олади. Ҳақиқатни борича кўрсатишга ва хар бир масалага ҳолисона ёндашишга эришади.

Бугун оммавий ахборот воситалари ўртасидаги рақобат фақат ким тез, аниқ ва биринчилардан бўлиб хабар етказиб беради, деган тарози билан ўлчанмайди. Техника тараққиёти ахборот алмашиши циклига қандай кучли таъсир этган бўлса, оммавий ахборот воситалари турларининг шакл-шамойилига ҳам худди шундай таъсир ўтказди. Газетанинг эстетик мукамаллиги газетхонларнинг эътиборини тортишда ва мутлола таъсирини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Газетанинг ўзига хос тарзда безатирилганлиги, сарлавҳаларнинг эсда қоларлилиги, матн ва расмлар жой-жойида қўлланганининг газетхоннинг айнан шу газетани танлашига сабаб бўлуви омилардан ҳисобланади. Матбуотнинг асосий кучи матн бўлса, газетани саҳифалашда матн учун мақбул шрифт танлаш ҳам ўта аҳамиятлидир.

Бугунги кунда дизайнга алоҳида аҳамият берилмаётган жиҳат — бу ранг бўлиб, унинг тўғри танланиши, газета ёрилтаётган мавзуга мослиги ва ўқувчи онгини, кўзини толиқтирмаслигига эришиш муҳим. Айнан ранглар газета дизайни ўзгарувчанлигини таъминлайди.

Маълумки, бугунги кунда "Интернет журналистикаси" каби тушунчалар ҳеч кимга янгилик эмас. Мазкур йўналишини шиддат билан ривожланиши ва энг муҳими ушбу тармоқ ичидаги айрим сайтларнинг оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатиши, табиийки, унинг алоҳида ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. 2007 йил 15 январдан бошлаб янги таҳрирдagi Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунига кўра, интернет тармоғида веб-сайт кўринишидаги электрон наشرлар ҳам оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказила бошланди. Ҳозирги пайтда республикаимизда 244 та ана шундай оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчаси ҳусусийдир. Энг асосийси, уларнинг доимий ўқувчилари сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ахборот глобаллашуви бир томондан ижобий натижа бераётган бўлса, иккинчи томондан интернет тизими орқали халқимиз учун мутлоқо бегона мафкура ва дунёқарашни, аввало, ёшларимизнинг қалби-ю онг-шуурига сингдиришга қаратилган билан айниқса хатарлидир. Бундай ҳолатларга қарши ёшларимизда ўзига хос "ахборот иммунитетини" шакллантириш, ахборотни "оқини қорасидан" ажратишга ўргатиш барчамизга катта масъулият юклайди. Бунда газетанинг ўрни беқийс. Чунки газета мутлола қилиб туриш салоҳиятини ўстиради, дунёқарашни кенгайтиради, фикрли шакллантиради. Газеталарда кўтарилмаётган мавзулар ўқувчи шуурига жойлашиб, унинг онгига ижобий таъсир этади.

Японияда ўтказилган сўров натижасида аниқланишича, маҳаллий аҳолининг 76,2 фоизи кундалик газеталарни мунтазам ўқиб боради экан. Норвегияда хар минг кишидан 588 нафари, АҚШда 215 нафари, Россияда 105 нафари газетхон ҳисобланади. Мамлакатимизда матбуот эркинлигини таъминлаш, унинг ян-

гилаши ва ислохотлар жараёнидаги аҳамияти, ўрни ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда ва дунёда рўй бераётган воқеаларга журналистлар ўзининг ҳаққоний ва ҳолисона муносабатларини, шунингдек, эътироф ва эътирозларини билдиришлари, доимо янгиликка интилиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд деб айта оламиз.

Зеро, Президентимиз ташаббуси билан миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин ва ҳолисона фаолият юритишига катта эътибор қаратилмоқда. Хар йили мамлакатимизда жаҳон матбуот эркинлиги куни, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни ва мустақиллик байрами муносабати билан соҳа фидойиларининг меҳнатлари турли кўринишда тақдирланиши мана шу эътибор ва гамхўрликнинг юксак намунасидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даври барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари учун ҳам серқирра ривожланиш палласи бўлди. 1991 йилда республикаимизда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1351 тани ташкил этмоқда (2013 йил 1 июнь ҳолатида). Оммавий ахборот воситалари юртимизда яшайдиган миллат ва элларнинг 7 та тилида ҳамда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби йигирмадан ортиқ йўналишлар бўйича фаолият олиб боради. Уларнинг хар бири ўз айтар сўзи ва доимий муштариларига эга. Уларда берилмаётган мақолаларда юртимизнинг бугуни ва эртаси, мустақиллик туфайли берилган чексиз имкониятлар, халқимизнинг фаровон турмуши кенг ёритилапти. Шу нуқтаи назардан фикр юритсак, ҳамкасбларимиз айнан мустақиллик йилларида ўзгача бир жүшарин куч-ғайрат, шижоат, кўтарикни қайфият билан ижод қилишапти.

Анжуман

Музокарада қонун ижодкорлиги

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган «Адлия вазирлигининг идоравий қонун ижодкорлиги фаолияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Республика Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, давлат кўмиталари, тегишли идоралар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида идоравий қонун ижодкорлиги соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларга атрофли маълумот берилди. Анжуман давомида сўзга чиққан соҳа мутахассислари янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, мазкур қонунда мансабдор шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланганлиги ҳам қайд этилди.

Тадбир давомида айрим вазирлик ва идораларнинг идоравий қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида учраётган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Шу билан бирга, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда субъективликнинг олдини олиш, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш услуби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳақида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз муҳбиримиз

Болалар ёзи

Болаларнинг ёзи соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ташкил этиш мақсадида Марғилон шаҳридаги 16-умумтаълим мактабида барча шароитлар яратилган. Биринчи ўн кунликда бу ерда 100 нафар ўқувчи оромгоҳда ташкил этилган турли қизиқарли машғулотларда фаол қатнашишмоқда.

Оромгоҳда ҳаёт қизғин

Эътиборлиси, ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишлари учун алоҳида жиҳозланган хона ажратилган бўлиб, у ерда хар куни машғулотлар ўтказилади. Мактаб кутубхонаси ҳамда спорт зал оромгоҳ дам олувчилари ихтиёрига берилган. Шунингдек, мактабда "Табии бурчаги" ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар у ердаги турли қушлар ва гулларни парварши қилишмоқда. Болалар ўртасида хар куни шахмат-шашка, стол тенниси ва бошқа спорт мусобақалари ўтказилаётир.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкиллаш жоиз. Чунки жамиятда юз бераётган ислохотларни, демократик ўзгаришларни, қабул қилинаётган қонун ҳамда қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, воқеа-ҳодисаларни аҳолига тушунарли тарзда тезлик билан етказишда газета-журналлар, радио ва телевидение, интернет тармоғининг имкониятлари жуда кенг. Фақатгина ушбу воситаларнинг хизматидан унумли ва мақсади фойдаланиш зарур.

Таъсирчан восита

Ўтган йилда Фарғона вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларининг, юртимизда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунириб бориш мақсадида "Қонун ҳимоясида" кўрсатувига асос солинган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур кўрсатувда кўтарилган долзарб масалалар кўлаб томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб эта олмади.

Фарғона вилоят телерадиокомпанияси томонидан айда икки марта, шанба кунлари кеч соат етти яримда ва тақрибан якшанба кунлари эрталаб намойиш этилаётган "Қонун ҳимоясида" кўрсатувини август ойида бир ёшга тўлади. Мақтублар оқими ана шу қисқа фурсатда томошабинларнинг эътиборини қозонганидан, унинг аудиторияси кенгайиб бораётганидан далолат беради. Вилоят прокуратураси телерадиокомпания билан ҳамкорликда тайёрлаётган кўрсатувларнинг мавзуларини белгилашда томошабинларнинг, фуқароларнинг саволлари, мулоҳазалари эътиборга олинмоқда. Ўтган вақт мобайнида кўрсатув орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия, ёшларни диний-экстремистик оқимларнинг таъсиридан асраш, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, одам савдосига қарши кураш каби кўлаб масалалар муҳокама этилди. Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари шарҳлаб берилди. Бевоқиф кўрсатув мо-

Бахтиёр МАМАТОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

байнида томошабинларнинг мақтублари, саволларига жавоблар бериб борилди, улар томонидан кўтарилган муаммоларни қонуний ҳал этиш чоралари кўрилди. Хусусан, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Қанизахон Аҳмедова ўзи дуч келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат этди. Ёш тадбиркорга иштини ривожлантириши учун ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

"Қонун ҳимоясида" кўрсатувига кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилмоқда. Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейда бўлиб ўтган, очик мулоқот тарзида ташкил этилган кўрсатувда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари масалалари муҳокама қилинди. Отаналар, устоз-мураббийлар, ўқувчилар амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари билан таништирилди, уларнинг қўллаб-саволларига жавоблар берилди.

Ҳуқуқий билимдонлик, юксак даражадаги ҳуқуқий маданият мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосларидандир. Вилоят прокуратураси органлари ОАВ билан ҳамкорликда ҳуқуқий билимларни тарғиб этиб бориш устида узлуксиз иш олиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча журналистларни касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан табриклиймиз, уларга ижодий ютуқлар тилаймиз.



Ҳаёт кўзгуси

Халқ журналистларини "ҳақиқат жарчилари", газета, телевидениени эса "ҳаёт кўзгуси", деб билади. Шунингдек, юртимизда оммавий ахборот воситаларига рамзий маънода туртинчи ҳокимият мақомининг берилгани ҳам бежиз эмас. Техника юксак тараққий этган бугунги ахборот асрида оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистларнинг роли аввалгидан ҳам юқори поғонага кўтарилди. Мустақиллик йилларида юртимизда тизимли ва бошқичма-бошқич олиб борилган ислохотлар туфайли ОАВ сон ва сифат жиҳатдан ривожланиб, медиа бозори шаклланиб, рақобат муҳити пайло бўлиб, халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Оммавий ахборот воситалари жамиятни глобал ахборот макони билан боғловчи кўприк вазиқасини бажармоқда. Унда рақобатлашув, манфаатлар, қарашлар, фикрлар тўқнашуви ва қарама-қаршиликлар кечиси табиий ҳол. Ана шундай зиддиятчи вазиятларда тўғри хулоса чиқариш, воқеаларга ҳолис баҳо бериш, ҳақиқатни юзага чиқариш журналистнинг зиммасида бўлади. Бу эса журналистдан ҳоп-таржавоблик, билим, малака ва замон билан ҳамнафас қадам ташлашни талаб этади.

Юртимиз аҳолисини олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар, янги ва амалдаги қонун, Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилишда телевидениенинг, хусусан, Тошкент телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган "Ҳимоя"

кўрсатувининг ҳам ўзига яраша хиссаси бор.

— Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида телевидениенинг таъсирчан кучидан фойдаланиб, 2003 йилда "Ҳимоя" кўрсатувини ташкил этилган эди, — дейди кўрсатув муаллифи, журналист Гулчера Раззоқова. — Мана 10 йилдирки, бу кўрсатув "Қонун унга бўйсунганларнигина ҳимоя қилади" шiori остида эфирга узатишмоқда. Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан фош этилган қонунбузарликлар, уларнинг олдини олиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни кадрда акс эттириш, ҳуқуқий терминлар ҳақида етарли билимга эга бўлиш учун биз, кўрсатув ижодкорлари доимо ҳамжихатликда иш олиб борамиз. Кўрсатувини тайёрлаш жараёнида кишини мушоҳадага ундайдиган, жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида таъсирчан ва тушунарли лавҳаларни тайёрлашга ҳаракат

Баргида МҶМИНЖОНОВА,
«Нуқид»

қилишимиз. Ўзимиз учун белгилаб олган иккита муҳим қоидамиз бор: тасвир ишончли ва аниқ бўлиши ва у муаллиф фикрининг ишончлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Тасвирга олиш жараёнидан сўнг монтаж ишлари бошланади. Кўрсатув тайёрлаш жараёнида ўзимиз ҳис қилган, бизни-да ўйлантирган, мушоҳадага чорлаган жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида томошабинларга таъсирчан ва тушунарли лавҳаларни тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Тезкор рейдлар орқали турли нобкорларда жамият, инсонлар, айниқса, ёшлар ҳаёти учун хавфли бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошираётган ва қилмиши фош этилган қонунбузарларни кўрсатиш орқали одамларни огоҳликка чақирсак, энг муҳими эса кўрсатувимиз орқали инсонлар томонидан тўғри хулоса чиқаришса, биз кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

Ҳа, журналистлик касби шарафли бўлиш билан бирга, ўта масъулиятли ҳамдир. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ана шундай касб эгаларини, юртимизнинг барча журналистларини байрам билан қутлаб, уларнинг шарафли ишларида омад ва зафарлар тилаймиз.

Ёшларга мададкор банк



MIKROKREDITBANK

Республикаимизда тадбиркор бўлиш орасидаги ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кўлаб лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бундай хайри ишларда "Микрокредитбанк" ОАТБ ҳам ўзининг кредитлари билан ёшларимизга катта ёрдам бераётди. Шунинг учун ҳам, пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий "BankExpo-2013" кўргазмасида "Микрокредитбанк" танлов натижаларига кўра "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" дея эътироф этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банк меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда бу йўналишдаги белгиланган прогноз кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳаларини ҳамда

тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 8,7 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Натижада 3 минг нафардан зиёд ёшлар ўз иш ўринларига эга бўлдилар.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Ме-




нинг бизнес гоям" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бундай ҳамкорлик натижасида ёшларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиб, тенгдошлари учун янги иш ўринлари очмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

Ишончни оқлаш ўрнига...



Олимжўна НАБИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиғи

дирилган ишончни суиестемол қилгани етмагандек, нафсининг куткусуига учиб, ширкатларга тегишли хонадонлардан йиғилган тўловларнинг маълум қисмини банкка топширмай, ўзлаштиришни одат қилди. Хусусан, "Мунаввар Ўзбекистон" уй-жой мулкдорлари ширкатининг 21 млн. 850 минг сўм, "Замин" ХУЖМШнинг 2 млн. 650 минг сўм ҳамда "Тонг шукхи сервис" ХУЖМШнинг 5 млн. 587 минг сўм маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилди.

Уддабурон раиснинг жиноий қилмишлари фақат шулардангина иборат эмас. У "Мунаввар Ўзбекистон" уй-жой мулкдорлари ширкатидан раис бўлиб ишлаган даврда, яъни 2010 йил 1 январдан 2011 йилнинг 1 сентябрга қадар бўлган вақт оралиғида Наманган шаҳар ИИБ ХООБ ЖИЭБда ҳисобда турувчи маҳкумлар Н.Абдуллаева, М.Ҳамидов, М.Воҳидовни рўйхатга олинмаган сохта буйруқлар билан турли вазифаларга ишга қабул қилиб, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид равишда меҳнат дафтарчалари ҳамда табеллар юритмасдан, уларга 670 минг сўм миқдориди иш ҳақи ёзиб, талон-торож қилди. Шунингдек, "Замин" уй-жой мулкдорлари ширкатида фаолият юритганда ҳам ана шундай ҳисобда турувчи маҳкумлар С.Мадраҳимов, Ж.Қодиров, М.Тургунов, З.Мирзаева, А.Холиқов, И.Ибрагимовларга меҳнат дафтарчаси юритмай, уларга 370 минг сўм иш ҳақи ёзади ва ушбу пуллари ҳам ўзининг шахсий манфаати йўлида ишлатиб юборади.

Юқорида номлари қайд этилган ширкатларда текширув-тафтишлар бошланади-ю, қилғиликни қилиб қўйган Азамат Мамажонов жазодан қочиш пайига тушади ва тезда исзис йўқолади. Бироқ, тезкор тарзда олиб борилган тергов-суриштирув ҳаракатлари натижасида Азамат Мамажонов Россия Федерациясида қўлга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди бир вақтнинг ўзида уч жойда ишлаш баробарида фуқаролар ва жамиятнинг эмас, фақат ўзининг нафсини ўйлаб, бировларнинг миллионлаб маблағини ўмарган қимсага қилмишларига яраша жазо тайинлади. Унга кўра, Азамат Мамажонов 3 йил муддатта мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга исбатан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, ундан "Мунаввар Ўзбекистон" уй-жой мулкдорлари ширкатига 21 млн. 850 минг сўм, "Замин" уй-жой мулкдорлари ширкатига 2 млн. 650 минг сўм ҳамда "Тонг шукхи сервис" уй-жой мулкдорлари ширкатига 5 млн. 587 минг сўм миқдоридан етказилган зарарларни ундириш ҳам белгиланди.

Бир пайтлар хонанда Ўктам Аҳмедовнинг "Оқ тавба, қора тавба, кечганим бўлсин сендан" нақорати кўшиги анчайин машҳур эди. Энди эса халқимиз унинг қилмишларидан огоҳ бўлиб, "тавба" дея ёқа ушлаши.

Оқ тавба, қора тавба...

Музаффар ЖУМАНИЕЗОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси катта терговчиси
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huqiq»

Хаммаси у 2009 йил 26 февралда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Хоразм вилоят бўлими директори қилиб тайинланган бошланди. Хонанда мансаб масъулиятини ҳис қилган ҳолда фаолият қўрсатиш, санъаткорларнинг лицензия асосида қонуний фаолият юритишини таъминлаш ўрнига, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш йўлини танлади. Бунинг учун фирмарлиқдан, мансаб сохтакорлигидан, мансаб ваколатини суиестемол қилишдан, порахўрликдан тойдими. Жиноий қилмишларини амалга оширишда эса унга бўлимининг лицензия бериш бош мутахассиси ва бир вақтнинг ўзида газначи вазифаси юклатилган Хилола Эгамова ақиндан кўмак берди. Улар лицензия олиш мақсадида келган санъаткорларнинг қўлига бўлими мухри ва штампни туширилган қирим касса ордерларини тақдим этиб, пулларини олиб қолишар ва бўлимининг ҳисоб рақамига топширмасдан, шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборишарди.

2011 йил сентябрь ойида Имомаддин Аҳмедов томонидан тўланган 300 минг 600 сўм, 2011-2012 йилларда Умирбек Мадаминов томонидан тўрт марта тўланган 758 минг 180 сўм, 2012 йил 3 январь кунини Гайрат Салаев тўланган 1 млн. 700 минг сўмнинг тақдири шундай кечди. Қонун ҳимоячилари томонидан олиб борилган тергов-текширув жараёнида Ўктам Аҳмедов билан шериги хаммаси бўлиб 23 млн. 53 минг 484 сўм миқдоридида давлат божи учун тўланган пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишгани аниқланди. Шунингдек, Ў.Аҳмедов мансаб мавқеини суиестемол қилган ҳолда, Х.Эгамова билан бирга 2012 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқирисидида гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳамда тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати қўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун мурожаат қилган талабгорлар томонидан ҳужжатларни кўриш учун тўланган жами 7 млн. 814 минг сўм миқдоридида бадал пуллари ҳамда "Ўзаро ҳамкорлик ва маданий тadbирларни ўтказиш бўйича шартнома" учун тўланган 2 млн. 100 минг сўм миқдоридидаги маблағни ҳам шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юрган.

Бу ҳали хаммаси эмас. Санъаткорлардан бу тарзда олинган пулларга қаноат ҳосил қилмаган Ўктам Аҳмедов энди бўлимидаги моддий бойликларини ҳам талон-торож қилишга киришади. Хусусан, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Хоразм вилоят бўлимининг асосий воситалари ва инвентарлари ҳисобланган, ҳар бирининг нархи 1 млн. 77 минг сўмлик "СМ 58" русумли ва "BETA" русумли иккита радиомикрофонлар, 1 млн. 250 минг сўмлик "SONY" русумли мини диск, баҳоси 1 млн. 191 минг сўм бўлган музлатгич, 290 сўмлик "LG" русумли чанглотич, нархи 360 минг сўм бўлган "Луксел 3577" русумли печ, 233 минг 333 сўмлик "LG CF-20" русумли телевизор, жами эса 5 млн. 478 минг 333 сўмлик мулк ўзлаштириб юборилади. Шу тарика Ўктам Аҳмедов ўз шериги билан ўзлаштирган маблағнинг умумий миқдори 38 млн. 446 минг 526 сўмни ташкил қилди.

Ўктам Аҳмедов ва унинг шериги пул топшишини янги услубларини ўйлаб топа бошлашди. 2012 йил 19 октябрь кунини турмуш ўртоғи Авазжон Хайтова номига аудио-видео кассеталарни ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш учун "XOREZM NAVO" хусусий корхонаси ташкил қилди. Маълумки, бундай фаолият қўрсатиш учун тегишли тартибда лицензия олиш керак. Ў.Аҳмедов амалда турмуш ўртоғининг имзосини сохташга ишлаган ҳолда, хусусий корхона ўзи бошқаргани, лицензиясиз фаолият қўрсатгани етмаганидек, диск сотиш билан шуғулланувчи шахсларни ҳам аврашга киришади. Уларга фаолиятларини ҳужжатлаштириб беришни ваъда қилиб, гўёки "XOREZM NAVO" хусусий корхонаси ходими сифатида фаолият қўрсатишга, қонуний бўлишини билдирди. Шу тарика 20 дан зиёд диск сотувчи шахсларни гўёки ишга қабул қилиб, улардан 300 минг сўмдан бадал олади. Олинган 6 млн. 150 минг сўм пулни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Ўктам Аҳмедовнинг шунингдек, бир неча санъаткорлардан лицензия олишга ёрдам бераман, деб тамагирлик йўли билан пора олганлиги ҳам аниқланди.

Афсуски, у манманлик, кибру ҳавога берилиб, қонунарга беписандлик билан муносабатда бўлди. Ваҳоланки, кишининг истеъдодли ё билимдон ёки мансабдор эканлиги унинг қонуний бўлишига сабаб бўла олмайди. "Менга ҳамма нарса мумкин", деб ҳисобловчилар қаттиқ адашадилар. Ҳаммага ва ҳар қимга қонун доирасидаги фаолият ва турмуш тарзига муносибдир. Акс ҳолда, ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. 1964 йилда Наманган вилоятида туғилган Азамат Мамажонов ҳам гарчи муқаддам бир неча бор суялган бўлса-да, ўзининг ана шу конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, 2007 йилнинг ёз ойида Наманган шаҳридаги "Тонг шукхи сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига чилангар-созловчи сифатида ишга қабул қилинади. Табиийки, тез орада ён-атрофдагилар билан таниши. Шулардан бири уларнинг ширкатлари яқинида жойлашган "Мунаввар Ўзбекистон" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Бахтиёр Маматов эди.

Орадан озроқ вақт ўтган, Б.Маматов ўзи раҳбарлик қилаётган ширкатда бош ҳисобчи ўрни бўш эканлигини айтиб, А.Мамажоновга шу лавозимни таклиф қилади. У узок ўйлаб ўтирмай, рози бўлади. Бўлма-сам-ки, оддий чилангарчилик қилиш қақда-ю бош ҳисобчи бўлиб ишлаш қақда-ю?

Шундай қилиб, Азамат Мамажонов 2008 йил январь ойининг илк кунларидан бош ҳисобчи лавозимда иш бошлайди. 2009 йилнинг куз ойларида Бахтиёр Маматовнинг тоби қочиб, ишга келмайди. Шу сабабли барча ширкат бош ҳисобчининг зиммасига тушади. 2010 йилнинг январидан раис бетоблиги туфайли ишдан бўшайди ва ширкат аъзолари унинг ўрнига бош ҳисобчи сифатида ишлаб келган Азамат Мамажоновни раис қилиб сайлашади. Бахтиёр Маматов эса бош ҳисобчи вазифасига тайинланади. Қоқилганни суяш, адашганни тўғри йўлга солиш, кечириш каби ҳислатлар халқимизга хос азалий кадриятлардан ҳисобланади. Шу маънода, муқаддам бир неча бор суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган Азамат Мамажонов ушбу лавозимга лойиқ, деб топилганда, биринчи галда унинг ёши ҳамда олий маълумотли эканлиги эътиборга олинган, шунингдек, ўзига билдирилган ишончни ҳалол меҳнати билан оқлайди, деб ҳисобланганини тўғри тушуниш мумкин. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам, ушбу ширкат аъзолари ўзларига раис сайлаётганларида, биринчи галда ўзлари яхши таниган, маҳалла-кўйнинг яхши-ёмон кунларидида фаол иштирок этидиган, ҳаммага бирдек муомалада бўладиган ишончли инсонни танлашлари керак эди. Бироқ, Азамат Мамажонов уларнинг ишончини оқламади. Аларнинг ишончини суиестемол қилиб, нафсининг қўлига айланди.

Авалло, Б.Маматов бош ҳисобчи сифатида ҳам ишга бир келиб, бир келмай қўйгандан кейин ширкатнинг бухгалтерия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шу ўринда Азамат Мамажонов чилангар-соз-

ловчи вазифасида иш бошлаган вақтга қайтишга тўғри келади. 2008 йилнинг 1 июль кунини, яъни Бахтиёр Маматов билан иш бошлаганидан кейинги ярим йилда Азамат Мамажонов мохир ҳисобчи сифатида донг таратган бўлса керакки, бошқа ширкатлардан ҳам унга бош бухгалтер вазифасида ишлашга таклифлар бўлади. Шундан сўнг у ўзи фаолиятини бошлаган "Тонг шукхи сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси М.Турсуновнинг ушбу ширкатга ҳам бош ҳисобчи бўлиб ишга ўтиш ҳақидаги таклифини бажонидил қабул қилади.

Бу орада бош ҳисобчи Азамат Мамажоновнинг доврғи янада ошади ва у саккиз кун ўғтиб, яъни 2008 йилнинг 8 августиди "Замин" уй-жой мулкдорлари ширкатига ҳам бош ҳисобчи лавозимига ишга жойлашади. Бир вақтнинг ўзида уч жойда бош ҳисобчи бўлиб фаолият юритиш оғирлик қилади, шекилли, А.Мамажонов ширкатларнинг бухгалтерия ишларига аралашмасликни маъқул кўради ва асосан тўловларни қабул қилиш билан шуғулланади.

А.Мамажоновга бошқа жойлар эмас, айнан ширкатда ишлаш омадли келди, дейиш мумкин. Юқорида "Тонг шукхи сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидида чилангар-созловчи сифатида иш бошлаган А.Мамажонов бир ярим йил ичида бошқа — "Мунаввар Ўзбекистон" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси лавозимига тайинлангани ҳақида айтган эдик. Айнан шу лавозимни эгаллашадиган озгина олдин "Тонг шукхи сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси ишдан бўшаб, унинг ўрнига Азамат Мамажонов раҳбар этиб сайланганини таъкидлаган ҳолда, 2010 йилнинг 4 январидан бошлаб "Замин" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси лавозими ҳам унга насиб қилади. Тасаввур қилинганда, бир вақтнинг ўзида учта лавозимни эгаллаш! Ҳа, мана буни омад деса бўлади!

